

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРДА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ**Рахимов Алишер Шарафидинович***ХТФ бошлиғи*

**Анататсия:** *Сўнги йилларда сиёсий ва иқтисодий соҳаларда юз берган инқилоблар– барча соҳаларда кескин ўзгаришларга олиб келди. Шунингдек, биз яна бир*

*инқилобнинг – инфор­мацион инқилобнинг гувоҳи бўлдик, бу инқилоб халқлар ўртасидаги чегарани олиб ташлади. Ҳаётнинг барча соҳаларини инфор­мацион технологиялар, ахборот тизимлари, телекоммуникациялар шитоб билан забт этаётган бир пайтда, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига фаол кириб бормоқда.*

**Калит сузлар:** *Хорижий мамлакатлар, халқаро, соҳалар, таълим, иқтисод, ёшлар, амалиёт, дипломатик, шартномавий, Интернет, эгаллаш, Телевидение, радио, ахборот.*

Хорижий мамлакатлар билан халқаро алоқалар мустаҳкамланиб, иқтисод, маданият ва маънавият, ҳуқуқ, саноат, қишлоқ хўжалиғи, тиббиёт, таълим ва бошқа бир қатор соҳаларда шартномавий ва дипломатик амалиётнинг кенгайиши, ёшларда, хусусан ҳарбий хизматчиларда ахборот маданиятини шакллантиришни тақозо этади. Зеро, ахборотлаштирилган жамиятни яратишда ахборот маданияти муҳим аҳамиятга эга бўлган компонентлардан ҳисобланади. Телевидение, радио, видео, факс, “уяли” телефон, электрон почта, компьютер ўйинлари ва шу каби замонавий техника воситаларини кундалик турмушимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаши, жаҳон ахборот оқими маълумотларини қисқа муддатда, кўп миқдорда, жонли кўринишда ҳаётимизга кириб келишини таъминламоқда. Интернет технологияларининг яратилиши, турли манбалардан тез ва осон йўл билан ахборот олиш имкониятларини ҳамма учун – оддий фуқаролардан тортиб, йирик ташкилотларгача мисли кўрилмаган даражада ошириб юборди. Давлат муассасалари, фан-таълим муассасалари, тижорат корхоналари ва алоҳида шахслар ахборотни электрон шаклда яратиш – сақлай бошладилар. Замонавий техника воситалари ёрдамида бундай ахборотлар массивини олишнинг янги технологиялари ёш авлоднинг ахборот маданиятига катта таъсир ўтказди.

Айни дамда ёшлар ахборот озиқасини олиш мақсадида бўш вақтларини кўп қисмини Интернет-кафеларда дунёнинг турли чеккаларидаги ахборот ресурсларидан фойдаланиб ўтказмоқдалар. Бундай ахборот ресурсларидан фойдаланиш ташқи ва ички шароитларнинг ўзаро таъсири, тарбиялаш ва ўзўзини тарбиялаш, ёшларни сиёсий жиҳатдан камол топтириш, унинг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг

кудратли воситаларидан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга. Ана шу мураккаб жараён тарбияни, ахлоқ принципларини ёшларни фазилатларига, уларнинг хоҳиш иродасини, йўналишларини белгилайдиган хислатларга таъсир этиш механизмидан иборат бўлиб, ёшларга таъсир ўтказиш ва тарбия соҳасидаги аниқ вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланиладиган восита ва усуллар йиғиндиси ҳамдир. Шу билан биргаликда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бу восита ва усуллар фақат ижобий, бунёдкорлик мақсадларидагина эмас, балки салбий, вайронкорлик мақсадларида ҳам бирдек кўприк вазифасини ўтайди. Бу эса бизнинг ҳудудимиздан ўз мақсадларини излайдиган кўпгина қудратли мамлакатларнинг геополитик мақсадларига қўл келади. Халқаро ҳамжамиятда ўз мавқеини кучайтириб бораётган Ўзбекистонга ўз таъсирини ўтказишга уринаётган кучлар талайгина бўлиб, улар ўз манфаатларига йўналтирилган мафкуравий таъсир кўрсатиш орқали ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллаб, улар фаолиятини ўз таъсирига олишга, ўз измига солишга уринмоқдалар. Айтайлик, ҳозир жаҳоннинг олис бир бурчагида қандайдир воқеа содир бўлса, зум ўтмай бутун дунёга маълум бўлади. Ва бу воқеа ер юзининг бошқа бир четида дарҳол акс-садо беради. Биздан узоқ минтақа ва ҳудудларда рўй бераётган яхши ва ёмон ишлар, уларнинг таъсири ҳам ҳаётимизга яшин тезлигида кириб келаверади. Замонавий ахборот майдонидаги ҳаракат шунчалар тигиз, шунчалар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво ўтириб бўлмайди. Сир эмас, баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Ёшларимизнинг баъзан сохта ғоялар орқасидан эргашиб кетаётгани биз учун энг катта хавф, десам муболаға бўлмайди” 23 – деб билдирган хавотирли фикрлари жуда ўринлидир. Ҳали мустақил фикрлаш, ахборотлар оқимидан, интернет ва бошқа воситалар орқали тарқатилаётган материалларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш олиш имкониятига эга бўлмаган ёшларни “ғоявий заҳарланиш”дан сақлашнинг, бизнингча икки йўли бор.

Булардан биринчиси тақиқлаш бўлиб, бу йўлнинг самарасиз эканлигини тарих аллақачон исботлаган. Чунки халқни ахборотнинг “темир қафаси” ичида сақлаш мумкингина эмас, ҳатто зарарлидир. Иккинчиси эса тарбия йўлидир.

Бугунги кунда ҳарбий хизматчиларимиз томонидан замонавий техник воситалар ёрдамида жаҳон ахборот магистралидан кенг фойдаланиб келинаётган бир пайтда, айнан мана шу техник воситаларни, замонавий технологияларни ўзимизнинг пировард мақсадимиз бўлган овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги интилишларимизда фойдалана билишимиз, яъни ўзимизга ишлата билишимиз ҳам юксак ахборот маданиятини шакллантириш орқали амалга ошадиган жараёндир. Ҳарбий хизматчиларда ахборот маданиятини шакллантириш ғоят хилма-хил “информация босими” таркибидан миллий тараққиёт манфаатларига мос, ижобий томонларини тўғри танлаб олишни таъминлайди.

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йук-Т.: Шарк,1998 йил.
2. Каримов. И.А. Узбекистан XXI асрга интиломқда-Т.: Узбекистон, 1999 йил.
3. Каримов. И.А. Узбекистон буюк келажак сари -Т.: Узбекистон, 1998 йил.
4. Каримов. И.А. Истшутол ва маънавият Т.6 -Т.: Узбекистон, 1994 йил.
5. Каримов И. А. Ю ксак маънавият- енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008 йил.
6. Каримов И.А. Жахон молиявий иктисодий инкирози Узбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари-Т.: Узбекистон, 2009 йил.
7. Каримов И.А. Узбекистон мустикаллиқка эришиш остонасида-Т.: Узбекистон, 2011 йил.